

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

РУЗИЕВ АХРОР ЭВАТОВИЧ

**ИЛК ЎСПИРИН ШАХСИДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК: 159.923.2.

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctoral of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Рузиев Ахрор Эватович

Илк ўспирин шахсида толерантликни шакллантирувчи ижтимоий-
психологик омиллар..... 3

Рузиев Ахрор Эватович

Социально-психологические факторы, формирующие толерантность
личности у юношей раннего возраста..... 25

Ruziev Akhror

Socio-psychological factors forming the tolerance in the personality of the
teenagers..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

РУЗИЕВ АХРОР ЭВАТОВИЧ

**ИЛК ЎСПИРИН ШАХСИДА
ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/P143 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримова Васи́ла Маманосировна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баратов Шариф Рамазанович
психология фанлари доктори, профессор

Абидова Зиёда Аскарровна
психология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “06” август куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51).

Диссертация автореферати 2020 йил “03” август куни тарқатилди.

(2020 йил “03” августдаги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Б. Шоумаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

Х.А.Кадирова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, психол.ф.н.

Р.А. Абдурасулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари,
психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда толерантлик тамойили умуминсоний қадриятлардан бири ҳисобланиб, унинг амал қилиши бутун инсониятнинг тинч ва барқарор яшашига хизмат қилади. Шунинг учун уни ривожлантириш халқаро ташкилотлар диққат марказида бўлиб, жумладан, дунё ҳамжамияти учун 1995 йил 16 ноябрда Париж шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг йигирма саккизинчи сессиясида “Declaration of principles on tolerance”¹ (“Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”)ни тасдиқлади. 185 давлат, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам уни имзолади. Декларацияни қабул қилишдан мақсад миллий, этник, диний ва лисоний (турли тилли) гуруҳларга нисбатан зўравонлик, ётсираш ва камситишнинг умумий кучайишига қаршилик кўрсатмоғи лозимлигидан иборат. 2000 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлган давлатларда жаҳон миқёсида “Толерантлик йили” режаси асосида 2000 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Резолюциянинг қабул қилиниши 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси бўлди. Давлатимиз раҳбари БМТ юксак минбарида туриб сўзлар экан, Ўзбекистон томонидан таклиф этилган резолюциянинг асосий мақсади “... барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат”² эканини қайд этди. Мамлакатимизнинг Нью-Йорк шаҳридаги Доимий ваколатхонасидан маълум қилишларича, БМТга аъзо давлатлар билан ушбу ҳужжат лойиҳасига доир кўплаб ва ҳар томонлама музокаралар якунлари бўйича 2018 йил 12 декабрь куни Президентимизнинг ташаббуси ҳаётга татбиқ этилди. БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлиси давомида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”³ - деб эътироф этилиши, толерантликни тараннум этувчи ғоялар асосида юртимизда ҳам бундай тадбирлар кўламини ошириш ҳамда ҳаётга татбиқ қилиш каби долзарб вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

¹ ЮНЕСКО Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. – Т.: 2002. – Б. 12.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. - <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

³ <http://constitution.uz/uz/clause/index#section2>

Толерантлик хусусиятини ўрганишда миллий анъаналар, кадриятлар ва маданиятга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ саналади. Хусусан, халқимиз толерантлиги Ўзбекистонда миллий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топтириб, турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳис этишига, миллий маданияти, санъати, диний муносабатлари ва эътиқодини намойиш қилишига кенг имкониятларни яратди. Зеро, юртимизда фаолият юритаётган 140 га яқин миллий-маданий марказлар ана шулар жумласидандир.

Жамиятда толерантликнинг ривожланиши оддий инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан тортиб, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган барча жараёнлар учун ҳам муҳим заруратга айланиб улгурди. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни⁴ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта ташаббуси”⁵ дастурлари доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга ошириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди. Зеро, жамият олдида турган бундай вазифалар ечимини топиш масаласи, мамлакатимиз шароитида ўқувчи-ёшларни толерантликка ундовчи мотивацияларнинг психологик табиатини ўрганиш ва шунга мос тарзда таълим-тарбия дастурларини ишлаб чиқилиши, методологик асосни яратиш заруриятини туғдириб, тадқиқот иши долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий адабиётларда “толерантлик” феномени асосан файласуфлар асарларида талқин этилган бўлиб, уни “қалб омбори” (Аристотель), ижтимоий бирдамлилик (Платон), ҳамжиҳатлилик даражаси (Г.Лейбниц), диний эркинликни эътироф этиш (Дж.Локк), эзгулик (И.Кант), ўзига хослик, мустақиллик ва барча инсонларни бирдек кўриш ёки англаш (Н.С.Трубецкой, И.А.Ильин, Н.А.Бердяев, В.Соловьев) ва бошқалар турфа ёндашувлар доирасида ўрганганлар. Замонавий фалсафа концепциясида толерантлик либерализм муаммолари, миллий ўхшашлик ва кўпмаданиятлик ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда (М.Уолцер, М.Б.Хомяков), шунингдек, фалсафадаги толерантлик чегаралари ва толерантлик парадокси муаммолари доирасида ўрганилган (К.Поппер).

Рус психологларидан Б.Г.Ананьев ўтган асрнинг 60-йилларида толерантлик атамасини биринчи бор қўллаган бўлса, бу феноменнинг ижтимоий психологиясини илк маротаба Санкт-Петербурглик олима Г.Л.Бардиер⁶ тадқиқ этган. Ушбу ҳодисага яқин ҳодисалар, жумладан,

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРК-406-сон Қонуни / <http://lex.uz/pdfs/3026246>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта ташаббуси” // <http://president.uz>; <http://uza.uz>

⁶ Бардиер Г.Л. Социальная психология толерантности: Автореферат дис. ... д-ра психол. наук: 19.00.05. –

ижтимоий воқеликлар ва жараёнлар (референт гуруҳдаги ижтимоий ҳамкорлик)да толерантликни шахс фаолиятида тутган ўрни ҳамда унинг қай тарзда намоён бўлиши, шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашга қатор олимлар ўз диққатларини қаратиб келмоқдалар. Жумладан, бундай уринишларни жаҳон тан олган олимлардан В.С.Агеев, Г.А.Андреева, А.Г.Асмолов, А.А.Бодалев, В.Л.Васильев, Р.М.Грановская, Н.В.Гришина, И.Н.Гурвич, О.И.Даниленко, А.И.Донцов, Е.К.Завьялова, В.Г.Каменская, Е.С.Кузьмин, Л.В.Куликов, В.Н.Куницина, Н.М.Лебедева, И.М.Никольская, Н.Н.Обозов, В.Н.Панферов, Б.Д.Парыгин, Л.А.Петровская, Ю.П.Платонов, Л.Г.Почебут, А.Л.Свенцицкий, В.Е.Семенов, Е.В.Сидоренко, З.В.Сикевиц, О.С.Советова, Г.У.Солдатова, Т.Г.Стефаненко, Н.С.Хрусталева, Н.Ю.Хряшева, В.А.Чикер, Э.С.Чугунова ва бошқаларнинг илмий изланишларида кўришимиз мумкин.

Марказий Осиёда фаолият кўрсатиб, тарихда ўз асарлари, хизматлари, ижоди билан из қолдирган, толерантлик (бағрикенглик) ғоялари орқали фан ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссалари учун дунёда ном қозонган сиймоларнинг, жумладан, IX-XII асрларда яшаб ижод қилган Имом ал-Бухорий, Мотуридий, Форобий, Калободий, Беруний, Замахшарий, ат-Термизий, ан-Насафий ва бошқаларнинг бағрикенглик ғоялари ҳақидаги қарашлари ижтимоий-психологик нуқтаи назардан талқин қилинади.

Ўзбекистонда эса мазкур масала фундаментал тарзда ўрганилмаган бўлса-да, кейинги пайтларда ушбу мавзунинг турли йўналишларини ўрганишларга интилиш ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, М.Абдуразакова⁷, О.Ата-Мирзаев⁸, В.Гентшке⁹, Э.Каримова¹⁰, С.Мамашокиров, Ж.Нажмиддинов, А.Очилдиев, И.Саифназаров, Г.Никитченко, Б.М.Умаров¹¹, З.А.Абидова¹² ва бошқаларнинг ишларида толерантликнинг фалсафий-назарий асослари ўрганилган. Лекин толерантликни шакллантирувчи соф ижтимоий-психологик омиллар ўзбекистонлик олимлар изланишлари предметига айлангани йўқ.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Ўзбекистонда оила шажараси ва оилавий мероснинг шахс профессионал ўсишига таъсирини ўрганиш” мавзусида 3–001 рақамли амалий лойиҳа календар режаси дастурида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади илк ўспирин шахсида толерантликни шакллантирувчи ижтимоий-психологик омилларни тадқиқ қилиш ҳамда толерантлик маданиятини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб

СПб.: СПбГУ, 2007. – 46 с.

⁷ Абдуразакова М. ва бошқ. Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати / Масъул муҳаррир Қ.А. Жўраев. – Т., 2005.

⁸ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. Монография. – Т., 2004.

⁹ Аширов А. Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг намоён бўлиши: кеча ва бугун. Монография. – Т., 2007.

¹⁰ Каримова Э. Ўзбек толерантлиги. – Т., 2005.

¹¹ Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари: Психол. фан. доктори ... дис. – Т., 2009.

¹² Абидова З.А. Тиббиёт ходимларида толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари: психол.ф.б. ф.д. (PhD) диссертацияси. – Т., ЎЗМУ, 2017.

чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– илк ўспиринларда толерантликни шакллантирувчи референт гуруҳларни (ота-оналар, педагоглар, яқин дўст ёки қариндошлар) таъсири каби ижтимоий-психологик омиллар кўламини аниқлаш;

– илк ўспиринлардаги толерантлик хулқи моделига асосланадиган коррекцион дастурни яратиш;

– толерант хулқнинг даражаларини ҳамда уларга хос бўлган шахснинг ижтимоий-психологик ва гендер хусусиятларини тадқиқ қилиш;

– коммуникатив толерантликни шакллантирувчи ижобий ҳамда салбий сифатларнинг референт гуруҳга алоқадорлигини ўрганиш;

– олинган натижаларни конкрет эмпирик тадқиқотнинг маълумотлари сифатида математик-статистиканинг ишончли усуллари воситасида қайта ишлаш, валидлигини аниқлаш ҳамда илмий асосланган хулосалар чиқариш;

– илк ўспиринларга хос толерантликни самарали шакллантирувчи омиллар комплексини аниқлаш ҳамда уларни баҳолаш мезонлари механизмини тадқиқ этиш асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти илк ўспирин ёшли ўқувчи ва талабалар (327 нафар), уларнинг ота-оналари (62 нафар), педагоглар (36 нафар), жами 425 нафар респондентлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб илк ўспиринлардаги толерантлик ҳамда интолерантлик хусусиятлари ва уларни шакллантирувчи ижтимоий-психологик омиллар хизмат қилди.

Тадқиқотнинг усуллари:

– муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома; толерант ва интолерант ўқувчиларни фарқлаш мақсадида ишлатилган “Толерантлик индекси” номли экспресс-сўровнома (Г.У.Солдатова, О.А.Кравцова, О.Е.Хухлаев, Л.А.Шайгерова); толерантликни ўлчаш сўровномаси (В.С.Магун, М.С.Жамкочьян, М.М.Магура); “Коммуникатив толерантликни диагностика қилиш” (В.В.Бойко) методикаси; “Ота-оналар хулқ-атвори ўсмирлар назарида” (ADOR) тести (З.Матейчик, П.Ржичан); толерантликка таъсир этувчи омилларни ўрганиш мақсадида қўлланилган социометрик ва референтометрик тестлар; ўқувчиларда толерантликни шакллантириш мақсадида ишлатилган ижтимоий-психологик тренинглар; математик статистиканинг маълумотларни қайта ишлов методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- илк ўспиринлардаги толерантлик ҳодисаси ижтимоий психология фанининг предмети сифатида конкрет тадқиқот доирасида ўрганилган, унга алоқадор тушунчалар банки яратилган;

- илк ўспиринларда толерантликни шакллантирувчи референт гуруҳнинг аниқланилиши, яъни бунда оила муҳити (ота-оналар), контакт гуруҳлар, яқин дўст, қариндошлар ёки педагоглар таъсирининг ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида ўрганилган;

- илк ўспиринларда толерантликни эмпирик жихатдан ўрганишда референт гуруҳ модель сифатида асосланган;

- илк ўспиринларга хос толерантликни самарали шакллантирувчи омиллар таъсирини кучайтиришга хизмат қилувчи коррекцион дастурнинг яратилиши ҳамда толерантликни баҳолаш мезонлари механизмлари, толерантлик индекси, толерантлик даражалари, толерантликнинг социометрик мақоми, коммуникатив толерантлик тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- илк ўспирин шахси сифатларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

- оила ва таълим муассасаларида болаларнинг толерант қилиб тарбиялашни ташкил этиш учун бериладиган тавсиялар асосланган;

- олинган натижалар асосида ўспиринларнинг ёшга хос инқирозли даврини юмшатиш юзасидан методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

- мактабларда, касб-хунар коллежларида, академик лицейларда ва олий ўқув юртларида ижтимоий-психологик билимларни такомиллаштириш ва бу муассаса психологлари учун дастурлар ишлаб чиқилган;

- толерантликнинг индексларини; толерантликнинг юқори, ўрта ва паст даражалари; академик гуруҳларда энг юқори социометрик мақомли лидерни аниқлаш технологиялари ҳамда коммуникатив толерантлик даражасини ўқув-тарбия жараёнида аниқлашга оид тавсиялар таълим муассасаси психологи учун ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацион тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда илмий жихатдан асосланган, халқаро миқёсида синалган методик воситалар, математик-статистиканинг аниқ методлари қўлланилгани; танлаб олинган синалувчиларнинг ҳажми ва уларнинг репрезентативлиги; эмпирик тадқиқотлар назарий жихатдан чуқур ўрганилгани, бу жараёнда ишончли манбаларга асосланганлиги; асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилингани билан эътироф этилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг эмпирик натижалари асосида илк ўспирин шахси сифатларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланганлиги, унда оила ва таълим муассасаларида болаларнинг толерантли қилиб тарбиялашни ташкил этиш учун бериладиган тавсияларга асос бўлди. Бундан ташқари, олинган натижалардан илк ўспиринларнинг ёшга хос инқирозли даврини юмшатиш юзасидан методик кўрсатмалар сифатида фойдаланилиши мумкин. Бундай тавсия ва кўрсатмалар мактабларда, касб-хунар коллежларида, академик лицейларда ва олий ўқув юртларида ижтимоий-психологик билимларни такомиллаштириш ва бу муассаса психологлари, ёшлар билан ишлаш бўйича мутасадди ходимлар учун шахсни ривожлантиришга қаратилган психологик-педагогик коррекцион дастурлар ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илк ўспирин шахсида толерантликни шакллантирувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш юзасидан олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларда татбиқ этилди:

илк ўспиринлардаги толерантлик ҳодисаси ижтимоий психология фанининг предмети сифатида конкрет тадқиқот доирасида ўрганилгани ва унга алоқадор яратилган тушунчалар банки тақлифи Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПМ-10^а-сон маълумотномаси). Натижада таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабаларига амалий психологик хизмат сифатини оширишга эришилди;

илк ўспиринларда толерантликни шакллантирувчи – референт гуруҳнинг аниқланилиши, яъни бунда оила муҳити (ота-оналар), контакт гуруҳлар (яқин дўст, қариндошлар ёки педагоглар) таъсирининг ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида берилган тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПМ-10^а-сон маълумотномаси). Натижада таълим муассасалари учун тайёрланадиган амалиётчи психологларда ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида толерантликни шакллантириш кўникмаларининг сифатини оширишга эришилди;

илк ўспиринларда толерантликни эмпирик жиҳатдан ўрганишда референт гуруҳ модель сифатида асосланган ва ушбу моделдан тақлиф ва тавсия сифатида берилган ҳамда бу борадаги тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий маркази 2019 йил 20 ноябрдаги №10^а-сонли буйруғининг “Жамиятда долзарб ижтимоий муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича илмий психологик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларда қўлланиладиган самарали методларни ишлаб чиқилишини таъминлаш” методикасига татбиқ этилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПМ-10^а-сон маълумотномаси). Натижада Марказнинг бўлғуси амалий психологларининг илк ўспиринларда толерантликка оид қарашлари самарадорлиги янада оширилди;

илк ўспиринларга хос толерантликни самарали шакллантирувчи омиллар таъсирини кучайтиришга хизмат қилувчи коррекцион дастурнинг яратилиши ҳамда толерантликни баҳолаш мезонлари механизмлари, толерантлик индекси, толерантлик даражалари, толерантликнинг социометрик мақоми, коммуникатив толерантликларни аниқлаш бўйича берилган тақлифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий маркази 2019 йил 20 ноябрдаги 10^а-сон буйруғининг “Давлат буюртмаси ҳамда ижтимоий талаблар асосида жамият ҳаётидаги шахс психологияси билан боғлиқ бўлган махсус тизимли муаммолар бўйича амалий психологик тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг ечими бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш” методикасига татбиқ этилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 20

ноябрдаги ПМ-10^а-сон маълумотномаси). Натижада бўлғуси амалий психологлар илк ўспиринларда толерантликни самарали шакллантириш бўйича имкониятлари ошди.

Шунингдек тадқиқотчи томонидан яратилган «Толерантлик индекси» экспресс сўровномаси орқали қўлга киритилган тахлиллар асосида ўспиринларда шаклланган толерантлик даражаси учта субшкалада: яъни этник толерантлик; ижтимоий толерантлик; толерантлик шахс қирралари Қашқадарё вилояти Халқ таълими тизими мактаблари психологлари томонидан қўлланилмоқда (Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармасининг 2019 йил 14 октябрдаги маълумотномаси);

узлуксиз таълим тизими қатнашчиларида толерантлик хусусиятини шакллантириш ҳамда ўқувчи-ёшларда янги ижтимоий муҳитга муваффақиятли мослашуви, гуруҳни яхши тушунишга, турли ижтимоий муҳит ва шарт-шароитларда қийинчиликларни ҳамкорликда бартараф этишга нисбатан уринишларда ички интилишни кучайтириб, теварак-атрофдаги турли типдаги шахсга ёки хилма-хил вазиятдаги ҳолатларга нисбатан сабр-тоқатлиликни ортишига олиб келади ҳамда бунда оиланинг ёки у аъзо бўлган расмий гуруҳдаги социометрик мавқедаги шахсларнинг таъсири алоҳида аҳамият касб этиши бўйича мактаб психологи томонидан методик кўрсатмалар ҳамда шахсни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-психологик коррекцион дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланилишга тавсия этилган (Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармасининг 2019 йил 14 октябрдаги маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацион тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Толерантлик – илк ўспиринлик ёшининг муҳим ижтимоий-психологик муаммоси сифатида”** деб номланади. Ушбу бобнинг **“Шарқ мутафаккирлари ва алломалар асарларидаги толерантлик (бағрикенглик) ғоялари”** деб аталган параграфиди Марказий Осиёда фаолият кўрсатиб, тарихда ўз асарлари, хизматлари, ижоди билан из қолдирган, толерантлик (бағрикенглик) ғоялари орқали фан ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссалари учун дунёда ном қозонган сиймоларнинг қарашлари уч босқичда ижтимоий-психологик нуқтаи назардан талқин қилинган. Жумладан, биринчи босқичда IX–XII асрларда яшаб ижод қилган Имом ал-Бухорий, Мотуридий, Форобий, Калободий, Беруний, Замахшарий, ат-Термизий, ан-Насафий ва бошқаларнинг бағрикенглик ғояларини тараннум этиш орқали маданий ҳаётнинг юксалишига қўшган ҳиссалари баён этилган.

Бобнинг **“Толерантлик тушунчаси ва унинг ижтимоий-психологик негизлари”** деб номланган параграфиди ҳозирги глобализация шароитида толерантликнинг ижтимоий-психологик муаммо сифатидаги моҳияти баён этилиб, уни тадқиқ этишнинг долзарблиги асосланган.

Диссертацияда толерантликнинг ижтимоий психологиясини илк ўспиринлик ёшининг онтогенездаги ижтимоий-психологик хусусиятлари доирасида ўрганишга махсус моделлар ва ўзига хос жиҳатлари орқали ёндашиш мақсадга мувофиқ эканлиги ғояси илмий жиҳатдан асосланган.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Илк ўспирин шахсида толерантликни шакллантирувчи ижтимоий-психологик омилларни тажрибавий тадқиқ этиш”** деб номланган бўлиб, у тадқиқотнинг методологик асоси, тадқиқот босқичлари, тадқиқот базаси, респондентлар танлови ва қўлланилган усуллар тўғрисида умумий маълумотлар таснифига бағишланган.

Ишнинг **“Илк ўспиринларда толерантликни шакллантирувчи ижтимоий-психологик омиллар индексини ўлчашнинг ўзига хос мезонлари (толерантлик индекси шкалалари асосида)”**, деб номланган иккинчи бобнинг 2.2-параграфиди эса илк ўспирин шахсида толерантликни шакллантирувчи ижтимоий-психологик омиллар, яъни, референт гуруҳ – ота-она, яқин дўст, қариндошлар, педагоглар ёки бошқа ижтимоий гуруҳ вакиллари таъсири кўлами ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида тадқиқ этилган ва шу билан боғлиқ катор фикр-мулоҳазалар берилган. Жумладан, **“Толерантлик индекси”** экспресс-сўровномаси орқали қўлга киритилган натижалар таҳлили асосида ўспиринларда шаклланган толерантлик даражаси учта субшкалада, яъни этник толерантлик; ижтимоий толерантлик; толерантлик шахс кирралари сифатида каби йўналишларда аниқлаш мумкинлиги исботини топган.

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишларида таҳсил олаётган 1-босқич талабалари (114 нафар), Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчилари (78 нафар), Қарши шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари 1-, 3-босқич ўқувчилари (135 нафар)дан ташкил топган респондентлар (жами 327 нафар) ўртасида

“Толерантлик индекси” экспресс-сўровномаси ўтказилди.

1-жадвал.

**Турли гуруҳ респондентларидаги
толерантлик индексининг ўртача қиймати (n=327)**

№	Респондентлар гуруҳи	Ижтимоий мавқеи	Респондентлар сони	Индекснинг ўртача қиймати
1.	Умумтаълим мактаби ўқувчилари	9-синф	78	81,4
2.	Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари	1-босқич	68	73,1
3.	Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари	3-босқич	67	81,1
4.	Олий таълим муассасалари талабалари	1-босқич	114	88,9
Жами			327	81,1

Биринчи жадвал натижаларига кўра, умумтаълим мактаби юқори синф ўқувчиларида шаклланган толерантликнинг ўртача индекси 81,4 га тенг бўлса, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари 1-босқич ўқувчиларидаги толерантлик индекси 73,1 га тенглиги аниқланди. Бунинг асосий сабаби ўқувчиларнинг янги шарт-шароитларга тўлиқ адаптация ҳосил қилмаганлиги ва тан олиниш эҳтиёжининг юқорилиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ушбу таълим муассасаларининг 3-босқич ўқувчиларида толерантлик индекси 81,1 ни ташкил этиб, 1-босқичга қараганда тафовут борлиги кузатилади. Сабаби юқори босқичга ўтган ўспирин психологиясининг ўзига хослиги шундаки, у ҳозирги пайтини, бугуни ва эртасини келажак нуқтаи назаридан, истикболга назар билан қабул қилади. Айнан шу даврга келиб, ўспириннинг турли касбларга қизиқиши ортиб, ўзининг келажакда ким бўлиши ҳақида ижтимоий тасаввурлари шакллана бошлайди.

Демак, ўз-ўзини профессионал нуқтаи назардан англаш, ажратиш, тасаввур қилиш ўспиринликнинг энг муҳим янгилigidир. Фақат бир нарса, академик лицейни 3-босқич ўқувчиларида ушбу кўрсаткичнинг деярли ўзгармаганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида уларнинг даставвал ихтисослаштирилган мактабларда таҳсил олганлиги, кейинги ўринда иқтисодиёт ва муҳандисликка ихтисослаштирилган академик лицейдаги таълим ва асосийси мактаб, лицей, олий ўқув юртининг бир ҳудудда эканлиги улардаги ўз-ўзини профессионал нуқтаи назардан англаш,

ажратиш, тасаввур қилишнинг “догма” ҳолатда қолганлигидан далолат беради ҳамда салбий омил сифатида эътироф этилади.

Олий таълим муассасасида таҳсил ола бошлаган талабалардаги толерантлик шаклланганлиги даражасининг ўртача индекси 88,9 га тенглигини, яъни бошқа ижтимоий гуруҳларга нисбатан юқори натижани кўрсатди. Сабаби, уларнинг жамият томонидан тан олинishi, ижтимоий мавқеининг ошиши, муваффақиятга эришиш мотивациясининг ўсиши, ўзини кўрсатиш ва рўёбга чиқариш эҳтиёжининг ҳамда шахслараро муносабатлар зичлигининг ортиши, ўз навбатида, талабалардан сабр-тоқатли, бағрикенг, чидамли, хайрихоҳ ва ҳамжиҳат бўлишни талаб этади.

Умумий таҳлиллар 15–18 ёш ўртасидаги ўспиринларда шаклланган толерантликнинг ўртача индекси 81,1 ни ташкил этишини, бу уларда ўрта даража толерантлик шаклланганлигидан далолат беради. Тадқиқот респондентларда ҳам толерантлик, ҳам интолерантлик кирралари мавжудлигини кўрсатди.

2-жадвал.

Ўспиринларда толерантлик шаклланганлигининг субшкалалар бўйича қиёсий таҳлили (фоизда, n=327)

№	Респондентлар гуруҳи	Ижтимоий мавқеи	Этник толерантлик	Ижтимоий толерантлик	Толерантлик шахс қирраси сифатида	Коммуникатив толерантлик
1.	Умумтаълим мактаби ўқувчилари	9-синф	11,4	37,4	32,7	87,9
2.	Академик лицей ва касб-хунар коллежлари	1-босқич	15,7	43,3	14,2	87,2
3.	Академик лицей ва касб-хунар коллежлари	3-босқич	26,3	21,8	33	86,3
4.	Олий таълим муасасалари талабалари	1-босқич	27,9	26,2	34,8	82,8
Ўртача индекс:			20,3	32,2	28,7	86,1

Иккинчи жадвалда келтирилган «этник толерантлик» субшкаласи ўспириннинг бошқа этник гуруҳларга ва уларнинг ўзаро маданий алоқаларига бўлган муносабатини намоён қилади. 327 нафар ўспириндаги «этник толерантлик» субшкала бўйича ўртача толерантлик индекси 20,3 ни ташкил этган бўлса-да, бунинг ўзига хос айрим жиҳатлари изоҳлашларни талаб этади. Масалан, Қарши шаҳридаги умумтаълим мактабларида аралаш турдаги турли миллат вакилларида иборат синфларнинг мавжудлиги, ўзга миллат ёки дин вакилларига нисбатан бағрикенгликни шаклланишига туртки берган. Шунингдек, 15–16 ёшли илк ўспиринларнинг берган жавоблари ўртасидаги боғлиқлик ҳам ижобий ҳисобланиб, бу кўрсаткич $r=0,617$ га тенг экан. Касб-хунар коллежлари 3-босқич ўқувчиларида эса ушбу

кўрсаткичнинг юқорилиги, ишлаб чиқариш амалиёти даврида турли миллат вакиллари билан биргаликда фаолият юритганликлари ёки улардан амалиёт даврида касб сирларини пухта ўзлаштирганликлари билан изоҳланади.

“Ижтимоий толерантлик” субшкаласи (ўртача индекс 32,2) турли ижтимоий гуруҳ вакиллари (озчиликни ташкил этувчи миллатлар, жиноятчилар, руҳий касаллар)га нисбатан толерантлик ва интолерантлик қирраларининг намоён бўлиши, шунингдек, ўспириннинг баъзи ижтимоий жараёнларга нисбатан установакаларини тадқиқ қилиш имконини беради. Олиб борилган изланишда ОТМ талабаларида икки тоифа синалувчиларга караганда анча юқори натижалар қайд этилди; бундай толерантликни намоён қилиш ижтимоий адолатсизликларга нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз эътиқодидан воз кечиб, бошқалар эътиқодига ён беришни англамайди, балки, толерантлик ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлиб, бошқаларнинг ҳам бу ҳуқуққа эгаллигини, ҳар бир одам ўз индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлилигини ва бир кишининг қарашларини бошқаларга мажбуран сингдириш мумкин эмаслигини тан олиш, яъни демократик қарашларнинг устуворлиги аниқланди.

“Толерантлик шахс қирралари сифатида” субшкаласи орқали ҳар бир шахс ўзга субъект иззат-ҳурматини жойига қўйиш йўли билан ўз шахсий кадр-қиммати, мавқеи аниқланади ва шу орқали меҳрибонлик, инсоф, иймон-эътиқод, ҳамдардлик, тенглик, фаросат, садоқатлилиқ каби хусусиятларининг намоён бўлишида шахслиқ қирраларини улуғлаши ўрганилди (ўртача индекс 28,7). Аниқланган толерантлик индексининг ҳар бир шкала бўйича корреляцион боғлиқлиги ҳам айрим ижтимоий-психологик таҳлилларни юритишни тақозо этади. Жумладан, 78 нафар умумтаълим мактаблари ўқувчилари онгида этник ва ижтимоий толерантлик хусусиятлари юқори даражада ($r=0,839$) шаклланган бўлиб, бу “Коммуникатив толерантликни диагностика қилиш” методикасининг 1-, 3-, 4-шкалаларидаги ижобий кўрсаткичларда ($r=0,487$) ўз ифодасини топган ҳисобланиб, ўз навбатида республикамизда таълим ислохотларининг ўзакларидан бири сифатида эътироф этилиб келинаётган “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” тизимини самарали фаолият кўрсатаётганлигидан далолатдир. Яна бу тоифа респондентларнинг ўз уйи, яъни ота-оналарининг ёнидан ҳар куни мактабга қатнаши, ота-онанинг доимий назоратида бўлиши, улар ўртасида ўзаро ижобий муносабатларнинг шаклланганлиги ҳам асосий сабаб сифатида кўрсатилиб, оиланинг шахс шаклланишини инқирозли ҳолатларида ҳам таъсири беқиёс эканлигини яққол намоён этади. Шунингдек, “Коммуникатив толерантликни диагностика қилиш” методикаси (В.В. Бойко) орқали ўспиринлардаги коммуникатив толерантликнинг жиҳатлари аниқланди. Уларнинг ўртача индекси ҳисоблаб чиқилганда, 15 ёшли илк ўспиринларда меъёрий хулқ-атвордаги шахсга хос бўлмаган, атрофдагиларга нисбатан юқори даражадаги тоқатсизликнинг айрим белгилари намоён бўлди. Жумладан, илк ўспиринларда коммуникатив толерантлик индексининг қолган гуруҳ вакилларига нисбатан юқорилиги 3-, 5-, 9-шкалалардаги баҳоланишлар ҳисобига эканлиги маълум бўлди. Мана шу учта шкаладаги

баҳоланишлар йиғиндиси ҳар бир синалувчида деярли 15 баллни ташкил этган. Лекин, гуруҳни яхши тушуниш, турли ижтимоий муҳит ва шарт-шароитларда қийинчиликларни ҳамкорликда бартараф этишга нисбатан уринишлар илк ўспиринларда ҳар қандай типдаги шахсга ва ҳар қандай вазиятдаги ҳолатга нисбатан сабр-тоқатлиликни ортишига олиб келади. Буни биз 327 нафар ўспиринда шаклланган этник ва ижтимоий толерантлик даражасининг ўзаро ижобий боғлиқлиги ($r=0,251$) кўрсаткичида ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимида ушбу ҳолат ўзига хос динамик характер касб этишини ҳисобга оладиган бўлсак, олий таълим муассасасида таҳсил олаётган ўспиринлар (у ёки бу хулқ-атвор белгиларига кўра) қолган гуруҳ вакилларига нисбатан паст балл тўплашган бўлса-да, том маънода натижалар атрофдагилар билан юқори даражадаги коммуникатив толерантликни намоён қилади.

Ўрта-маҳсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган 68 нафар 1-босқич ўқувчиларда этник толерантлик шкаласи билан коммуникатив толерантлик ўртасида юқори даражадаги боғлиқлиги ($r=0,942$) толерантлик шаклланишидаги ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Кузатувларимиздан кўринадики, 15–16 ёшли илк ўспиринларда янги шарт-шароитга нисбатан мослашувнинг секин кечиши (айрим ҳолатларда зиддиятли характер касб этиши), улар хулқ-атворида салбий хусусиятларни устувор бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, ўзини кўрсатишга, тан олинишга нисбатан юқори даражадаги эҳтиёж ва яна ота-оналар доимий назоратининг сусайиши (референт гуруҳ билан алоқанинг пасайиши ёки узилиб қолиши) туфайли шахслараро муносабатларда таранглик келиб чиқади. Толерантлик шахс қирраларидан бири сифатида эътироф этилаётган бугунги кунда ҳам бу тоифа ўспиринлардаги муомала маданиятининг пасайиши, муносабатлардаги кескинлик, ўзаро ҳурматнинг йўқолишини салбий ҳолатлардан бири деб баҳолаш мумкин. Сабаби тадқиқотимизда ҳам бу иккала кўрсаткич орасидаги боғлиқлик салбий натижа ($r=-0,414$) ни кўрсатиб турибди. Бундай салбий боғлиқлиги яна олий таълим муассасасида таҳсил олаётган 1-босқич талабаларнинг жавобларида ($r=-0,551$) ҳам, 17–18 ёшли ўспиринларнинг қарашларида ($r=-0,154$) ҳам, ва умуман барча ўспирин респондентларнинг натижавий жавобларида ($r=-0,075$) ҳам кўришимиз мумкин. Демак, ўспиринлар ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар хил нохушликларни олдини олишда таълим муассасалари (хоҳ умумтаълим мактаби, хоҳ ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими, хоҳ олий таълим) маъмурияти мунтазам равишда ўспиринларнинг оиласи билан алоқани ўрнатиши, зарурий ҳолларда эса бола учун эталон вазифасини бажараётган оиладаги референт гуруҳ (ота-она, ака-ука ёки опа-сингил ва шу қабила)нинг таъсирини ошириши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.


Иккинчи бобнинг 2.3-параграфида (ADOR тести натижалари бўйича) ота-оналар томонидан фарзандлари билан ўрнатилган ижтимоий муносабатлар тизими илк ўспирин ёшидаги ўғил-қизларда айрим интолерантлик хусусиятларини шаклланишига сабаб бўлиши аниқланди. Яъни, “Ота-оналар хулқ-атвори ўсмирлар назарида” (ADOR) тести

натижалари оилада ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан “муросасиз” муносабатда бўлишликлари илк ўспирин ёшидаги болалар копинг-хулқ-атворида айрим оғишларни келиб чиқишига сабаб бўлувчи салбий ижтимоий-психологик омиллардан бири бўлиши мумкинлиги аниқланди (1-расмга қаранг).

Бундан ташқари, 39,0 фоиз илк ўспирин ёшидаги йигитларнинг эътироф этишларича, уларга нисбатан ўз оналари томонидан содир этиладиган муросасиз муносабат оилавий тарбиядаги қаттиққўллик туфайлидир.


Илк ўспирин ёши хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, она шахсиятидаги бундай ўзига йўналганлик, манманлик, ўзига бино қўйишлик, димоғдорлик одатда ўғил томонидан ижобий қабул қилинмайди.

Натижада, она томонидан бундай копинг хулқ-атворли ўғил ўзининг оиладаги нуфузига путур етказётган муносиб рақиб сифатида баҳоланиб, ўғилга нисбатан “эсини киритиб қўйиш”, қаттиқ жазолаш хатти-ҳаракатлари амалга оширилади. Хусусан, илк ўспирин ёшидаги қизларнинг ҳам (28,8 %) фикрича онанинг қизига нисбатан мунтазам равишда ҳиссий совуқ муносабати, уни эркалатмаслик позициясида туриб ҳаракатланиши муросасизликни намоён қилади.



а) умумтаълим мактаб ўқувчилари

а) академик коллеж ўқувчилари



а) касб-ҳунар коллеж ўқувчилари

1-расм. Ота-оналарнинг феъли ва илк ўспиринларни, уларга бўлган муносабатларини шкалалар бўйича таҳлили (фоизда, n=146)

Фикримизча, бундай ҳолат илк ўспирин ёшидаги ўғил-қизга нисбатан

яққол ифодаланган шубҳаланувчанлик ва ишончсизликни намоён этиб, уларни ўзидан, қолаверса оиласидан “безиш”ига сабаб бўлади. Бу эса илк ўспиринда стрессни келтириб чиқарувчи ҳолат сифатида баҳоланиб, оила муҳити (асосан она)ни тан олмасликни келтириб чиқаради. Бундай ҳолат илк ўспирин шахсида салбий характер хислатларининг, хусусан, кўрқоклик, тобелик, асабийлик, ҳиссиётларга берилувчанлик ва мустақил тафаккурнинг сустлиги каби сифатлар устуворлигини таъминлаб, бу ўз навбатида, толерантликни шаклланишига жиддий тўсиқ бўлувчи салбий ижтимоий-психологик омил сифатида эътироф этилади.

Синовда иштирок этган 90 нафар 15–16 ёшдаги илк ўспирин йигитнинг назарида, оталари турли қонун-қоида (баъзан оилавий расм-русум, ақида)ларга ҳаддан зиёд амал қиладилар, жамият нормаларида аслида бўлмаган “яхши ота бўлиш” юзасидан стандарт тавсияларни “намунали бола” позиясида туриб бажаришни талаб қилишар экан. Бу борада улар қаттиққўллик, ўта талабчанлик сифатларини намоёйиш этишиб, ўз ўғлининг қобилияти, лаёқати, имконияти, интилишлари ва фикрлари билан ҳисоблашишмас экан. Фикримизча, ота ва ўғил ўртасида ўрнатилган бундай муносабатлар таъсирида шаклланган боладаги тобелик ва қарамлик хусусияти ҳис-ҳаяжонга йўғрилган (emotion focused) копинг хулқ-атвор даражасини яққол намоён этади. Бундай шароитда бола доимо ўз фаолиятига ота томонидан паст баҳо берилишини кутиб ва бундан ҳадиксираб, жазодан, отанинг “сен қандай қилиб бу ишни қилдинг ёки шундай ҳолга тушиб қолдинг, ахир мен сени одам қилиш учун ҳеч нарсани аямаяпман-ку” кабилидаги танбеҳларидан чўчиб яшайди.

Учинчи жадвал натижаларига эътиборни қаратадиган бўлсак, директивлик ва ғаразлилик шкалалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик салбий боғланиш ($r=-0,347$)ни намоён қилмоқда. Яна 38,4 фоиз синалувчи ўспирин қиз «намунали қиз» эталонига суянган ҳолда ҳаддан ташқари талабчанлигини намоён этаётган отасининг ҳиссий-совуқ, ўзидан узоқлаштирувчи (бегоналаштирувчи) муносабатини 2,8 (ўғил болаларда 4,7) ўртача кийматда ифодалаган бўлиб, фикримизча, ота билан қиз ўртасидаги муносабатларнинг бундай кўриниши охир-оқибатда қизда асабийлик, нотурғунлик хусусиятларининг пайдо бўлишига олиб келади.

3-жадвал.

ADOR тести натижаларига кўра муносабатлар шкалалари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик ($n=146$)

	POZ	DIR	HOS	AUT	NED
Позитивлик (POZ)		0,341	0,316	0,274	0,114
Директивлик (DIR)			-0,347	0,594	-0,227
Ғаразлилик (HOS)				-0,375	0,372
Автономлик (AUT)					-0,059
Изчилликнинг йўқлиги (NED)					
	$-1 < r < 1; * p < 0.05$	$-1 < r < 1; ** p < 0.01$	$-1 < r < 1; *** p < 0.001$		

Демак, оилада ота-она томонидан фарзандларга кўрсатилаётган муросасиз муносабат, улардаги ички интилишни, фаолликни пасайтириши ёки сўндириши билан бир қаторда толерантлик сифатлари шаклланишига салбий таъсир кўрсатиб, теварак-атрофдаги бегона кишиларнинг турмуш тарзи, хулқи, урф-одати, ҳиссиёти, фикри, ғояси, эътиқодига чидамсизликни намоён қилади.

